

Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«РАҚАМЛИ ҲАЁТ ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ БАРКАМОЛ
АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ:
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛ»
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**“РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВОЙ ЖИЗНИ И СОЦИАЛЬНЫХ
НАУК В ВОСПИТАНИИ ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОГО
ПОКОЛЕНИЯ: АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ”
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**"THE ROLE AND IMPORTANCE OF DIGITAL LIFE AND SOCIAL
SCIENCES IN THE UPBRINGING OF A HARMONIOUSLY
DEVELOPED GENERATION: CURRENT PROBLEMS AND
PROSPECTS”
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE**

12 апрель 2022 йил, Андижон

ИЛМИЙ-МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

I-II-шўъба

УДК: 3.37.01/09

ББК: 60-6/8

Рақамли ҳаёт ва ижтимоий фанларнинг баркамол авлодни вояга етказишдаги ўрни ва аҳамияти: долзарб муаммолар ва истиқбол. Халқаро илмий – амалий конференция илмий мақола ва тезислар тўплами.- Андижон: АндМИ, 2022.876б

Масъул муҳаррирлар: и.ф.д.профессор Қ.Ҳ.Муфтайдинов
п.ф.б.ф.д (PhD) И.М.Сирожиддинова
с.ф.б.ф.д. (PhD) Х.М.Жўрабекова

Таҳририят хайъати: ф.ф.н.доцент. М.Назаров,
ф.ф.н.доцент М. Каримова,
т.ф.н.доцент Ш.Сулаймонов,
т.ф.б.ф.д. (PhD) Р.Атахонов,
п.ф.н доцент Г.Умарова

Тақризчилар: ф.ф.д.профессор Л.А.Курбонова, и.ф.д. профессор И.Умаров

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-Ғ сонли фармойиши билан тасдиқланган 2022 йилда Халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий ва илмий техник тадбирлар режасига мувофиқ, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 январдаги 24-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида хорижий ва республика олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тўплам хорижий ва маҳаллий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, олимлар ва тадқиқотчилар, илмий ходим ва илмий изланувчилари ҳамда иқтидорли талабалар ва магистрантларнинг илғор хорижий тажриба асосида рақамли иқтисодиётни ҳаётга жорий этилиши истиқболлари, инновацион ривожланишнинг концептуал асослари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари, инсон капитали ва уни банд этиш муаммолари, тадбиркорликни янада ривожлантириш йўналишлари, шунингдек ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялаш масалалари, уларни замонавий дунёқарашларини шакллантириш, диний ва дунёвий илмлар билан куrollантириш, таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар билан мустаҳкамлаш, жамиятда техник тараққиётнинг муҳим хусусиятларини белгилаб бериш, фундаментал ва хорижий тилларни чуқур эгаллашга қаратилган тадқиқот натижалари илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

Конференция илмий мақолалари илмий изланишлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходим-изланувчилар, магистрантлар ва талабалар учун мўлжалланган.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни ундаги статистик маълумотлар ва меърий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Андижон машинасозлик институти, 2022 йил

Хамидов Акбаржон	технологиялари	
Зайнабиддинов Дилшодбек Кобилович	Основные причины травматизма на занятиях физической подготовкой и спортом	94
Тўланов Мамасидик	Тил билиш инсон маънавиятининг мукамал бўлишлиги асосидир	97
Пулатова Одина Хамидовна Махамматов Улуғбек	Педагогик фаолиятда ёшларнинг мулоқот психологиясини шакллантириш масалалари	101
Каримова Муяссархон Абдуқаюмовна	Техник ижодкорлик ва инсон кадр-қиммати	104
Пўлатова Одинахон Хамидовна	Касбий компетентликни ривожлантиришда мулоқотнинг роли	109
Назаров Илхомжон	Ўзбекистонда таълим соҳасининг ривожланиши	113
Yakubova Barno Bakhtiyarovna	Independent thinking methods in the formation of the intellektual potential of the student's personality	117
Abdullayev Akmaljon Hasanboy o'g'li	O'zbekiston tarixi fanida mobil ilovalar va ularning o'rni	120
Nigmatov Alisher Khairulloevich Izzatova Rano Ulugbekovna	The impact of the globalization process on public life and the nation	122
Izzatova Rano Ulugbekovna Nigmatov Alisher Khairulloevich	The role of amir temur in the formation of youth spirituality	126
Davlatova Xulkaroy Uktamovna	Yoshlarda kitobxonlikni shakllantirish ijtimoiy muammolar yechimi sifatida	129
Mo'monov Sarvar Qo'chqorovich	Umumta'lim maktablari dars jarayonlarida innovatsion texnologiyalardan foydalanishning istiqbollari	131
Абдураимов Достонбек Эгамназар ўғли Сафоева Дилноза Камол қизи	Таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълимнинг ўрни	135
Yulchiyeva Dildora Xabibullayevna	Mahalla va oilalarda kitobxonlik orqali ma'naviy-madaniy muhitni shakllantirish	139
Ийманова Дилафруз Абдиманнобовна Одилжонова Одинахон Нодирбек қизи	Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишда таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар таракқиёти	144
Ғойиббердиев Абдуллажон Мирзоҳидович	Ўрта мактабларда «робототехника» модулини ўрганишда arduino платформасидан фойдаланиш	149
Safoyeva Dilnoza Kamol qizi	Axborot texnologiyalaridan foydalanib kimyo fanini o'qitish usullari	151
Қ.С.Мирзаев Д.В.Капский Х.Қ.Ахмаджонова	Олий таълим тизимининг таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг қоидаларидан фойдаланиш масалалари	155
Zairov Asadbek	Intellektual yoshlar - yangi O'zbekiston ma'rifatli jamiyatining muhim omili	159
Якубова Барно Бахтиёровна	Талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини шакллантиришнинг айрим методологик масалалари	165

7. Aripova, Z. S. Cultural traditions: their essence and structure / Z. S. Aripova // Экономика и социум. – 2020. – No 5-1(72). – P. 16-19.
8. Aripova, Z. S. Essence and life meaning of world view / Z. S. Aripova // Экономика и социум. – 2020. – No 11(78). – P. 78-81.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ЁШЛАРНИНГ МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Пулатова Одина Хамидовна - Андижон машинасозлик
институтини “Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчи
У.Махамматов - “Касб таълими” йўналиши 4-босқич талабаси*

Шахсининг етуклиги унинг ўз ўзига ва бошқаларга, табиат ва жамиятга оқилона муносабатида, мулоқотида намоён бўлади. Инсоннинг тани учун саломатлиги қанчалик зарур бўлса, унинг руҳияти, қалби учун эса эзгулик, оқилоналик, ахлоқ – одоблилик, мулоқотга киришувчанлик шунчалик муҳимдир. Инсон ақлан ва ахлоқан тобора бойиб ўз олдига олийжаноб мақсадлар кўя олади. Ахлоқ-одоб инсониятнинг шахслараро муносабатлари мезонидир[1]. Инсонлар дунёда яшаганликлари учун эмас, балки билимли ва ахлоқли бўлганликлари учун кадр топадилар.

Шахс мулоқотда камол топади ва касбий маҳоратни ҳам эгаллайди, Шу жиҳатдан олганда таълим-тарбия жараёнида кўриш, эшитиш сезгилари, идроклари ҳамда турли руҳий жараёнлар: хотира, тасаввур, тафаккур, хаёлни талаб қиладиган кўникма-малакаларни шакллантирадиган усул ва методлардан фойдаланиш ўринлидир. Бундан ўқувчи таълим-тарбия жараёнида иштирок этиб, ахлоқий тушунчалар-билим ва кўникмаларни ҳосил қилади, натижада у таълим-тарбия жараёнининг кузатувчиси эмас, балки унинг фаол иштирокчисига айланади.

Ўқувчилар тафаккурини ўстирмай туриб, уларнинг нутқини ўстириб бўлмайди. Оғзаки гапириш, баён ёки иншо ёзишда ўқувчиларнинг режа тузиб олишларига эътибор бериш керак[2]. Ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш учун китоб устида мунтазам ишлаш, ўқиган матнларнинг тезисини, конспектини тузиш, маъруза, рефератлар тайёрлаш, адабий кечалар, ёзувчилар билан учрашиш муҳим аҳамиятга эга.

Болаларни ёшлиқдан аввало оилада, сўнгра таълим масканларида муомилага ўргатиб борилади[3]. Мулоқотга ўргатишнинг усулларида бири машғулотлар тарзида шакллантиришдир.

Шундай экан педагогик фаолиятимиз давомида касбий-педагогик ва психологик мулоқотнинг 5 та босқичини амалга ошириш талаб этилади

1. Мулоқот жараёнида мўлжал олиш. Бу босқичда педагог мулоқотининг анланганлиги юзага чиқади. Шунингдек, мулоқот услубини янги коммуникатив фаолият шароитида аниқлаш ҳам юзага чиқади.

2. Педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳати эътиборни ўзига тортиш бўлиб, бола билан самарали мулоқотни амалга ошириш учун дарс жараёнида боланинг диққати барқарор бўлиши керак.

3. Объектнинг (киши) калбини забт этиш босқичи педагогик мулоқотни ташкиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Моҳияти жиҳатидан бу босқич коммуникацияни ўзига хос излаш босқичидир. Масалан, янги материални баён этишда педагог болаларни мулоқотга тайёрлаб олади. Ўқитувчининг ўқувчини тушуниши касбий-педагогик мулоқотнинг калити ҳисобланади.

4. Педагогик мулоқотнинг яна бир босқичи бу вербал мулоқот, яъни ўқитувчининг янги материални ўқувчиларга оғзаки баён қилиб беришидир. Педагог учун нутқ мулоқоти жуда муҳим. Педагогик мулоқот тизимида педагогнинг сўзи образлар қўзғатувчиси бўлиб ҳисобланади.

5. Педагог билан тингловчи ўртасидаги ўзаро ҳаракатда ҳаяжонланишни кузатишнинг коммуникатив воситалари муҳим рол ўйнайди[4].

Жумладан, педагогнинг нутқи жонли, оҳангларга бой, тушунарли, аниқ, содда тилда бўлиши керак. Шунда тингловчиларнинг идроки тўлиқ, образли бўлади.

Педагог талабанинг диққатини тўплаб олишига имкон бериши керак. Бир-бирини тушуниш учун қуйидаги 5 та шартни айтиб ўтиш жоиз:

- биргаликдаги касбий тилга эга бўлиш;
- интеллект даражасини ҳисобга олиш;
- ахборотнинг тўлиқ бўлиши;
- мантиқан баён этиш;
- диққатни бир жойга тўплай олишдан иборатдир.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини баҳолашда асосий эътиборни компетенцияларнинг алоҳида элементлари мавжудлигига эмас, касбий вазифаларни хал эта олиш лаёқатларини намоён қила билишга қаратиш лозим[5]. Баҳолаш учун бериладиган топшириқларни реал касбий вазифаларни ҳамда, ана шу нуқтаи назардан олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришда мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шакллари қўшиб олиб боришнинг аҳамияти каттадир.

1. Дарсга норасмий мулоқот элементларини киритиш. Айни пайтда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, уларда мулоқот ташкилотчиси ролини педагог эмас, ўқувчилардан бири бажариши.

2. Эътиборни жавобнинг ижобий жиҳатларига қаратиш. Ўқувчилар ўртоқларининг жавобларини холисона баҳолашга махсус ўргатилади, айни пайтда майда - чуйдаларгача эътиборни қаратиб, гуруҳдошларининг жавобларидаги энг муваффақиятли жиҳатларини ажратиб кўрсатишни ўрганиш. Камчиликларни қандай қилиб йўқотиш ҳақида баҳслашиш, яъни камчиликни битта ўқувчининг ўзига айтиш орқали таъсир қилиш.

3. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Бундай ҳаракатлар жамиятнинг янгиланиш даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради[6].

Хулоса сифатида талабалар билан мулоқотда “Олтин сўзлар” усулини қўллаш яхши самара беради.. Олтин сўзларнинг синоними-бу “ажойиб”, “бебаҳо” каби сўзлар. Масалан, “сиз бошқалар кўролмайдиган нарсаларни кўра оласиз!”, “сиз билан мулоқотда бўлган киши кўп нарсаларни билиб олиши мумкин!”. Бу сўзлар улар учун “олтин сўз”лар бўлиб ҳисобланади.

Нутқ билан ишлаш орқали ҳам муомилага ўргатиш мумкин. Масалан, овозни баланд чиқариб шеър ўқиш, ҳикояни гапириш каби тренинглар ҳам муомилани шаклланишига ёрдам беради.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида таълим муассасаларда фаолият кўрсатаётган педагоглар олдига талаба - ёшларни маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий ғоя асосларини сингдириш, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, янгича тафаккурни шакллантириш билан биргаликда уларни фаол, замонавий мулоқот маданиятига ўргатиш вазифаси турганлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Gaziev E. Xulq-atvor psixologiyasi. Toshkent, 2001 yil.
2. Maqsudova M. Muloqot psixologiyasi. Toshkent, 2006 yil.
3. Pulatova Odinahon Khamidovna. THE MECHANISM OF DEVELOPING A CULTURE OF COMMUNICATION IN STUDENTS IN THE EDUCATIONAL PROCESS. JCR. 2020; 7(12): 3096-3103. doi:10.31838/jcr.07.12.468
4. Khamidovna, P. O. (2021). Students develop communication culture pedagogical-psychological factors. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).
5. Khamidovna, P. O. (2020). The Peculiarity of Communication in Human Relations. *Eastern European Scientific Journal. Ausgabe*, 2, 92-94.
6. Khamidovna, P. O. (2021). The importance of the culture of communication in the pedagogical community. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 703-708.